Танлаш таклифи амал қилиш муддати: таклифлар қабул қилиниши тугаган кундан бошлаб камида 90 кун.

Танлаш иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: танлашда шу каби хизматлар кўрсатиш тажрибасига эга бўлган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан Ўзбекистонда шунга ўхшаш, рақобат асосида харид қилинадиган, давлат харидларида иштироки тақиқланмаган, маҳаллий ва хорижий етказиб берувчилар (ижрочилар) иштирок этишлари мумкин.

Таклифлар бериш муддати: 5 иш куни.

Танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг масъул котиби (ёки ишчи орган): Харид комиссиясининг масъул котиби – Харидлар бошқармаси бошлиғи, А.М. Рустамов.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А. Темур шох кучаси, 13 уй.

Телефон: +99878 140-76-50 (2202#).

Электрон почта манзили: Asadulla.Rustamov@uzavtosanoat.uz.

Таклифларни баҳолаш мезони: балл усули (техник қисмнинг миқдорий кўрсаткичи-70/нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичи-30).

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид ҳужжатлари (кейинги ўринларда - танлаш ҳужжатлари) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ–684-сонли Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Танлаш предмети: “Ўзавтосаноат” АЖ молия-хўжалик фаолиятининг 2022 йил учун бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ташқи аудит хизмати.

1.3. Харидни амалга ошириш учун асос: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли Қонуни;

1.4. Танлашнинг бошланғич нархи: **115 000 000,00** (бир юз ўн беш миллион) сўм, ҚҚС билан. Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар танлашнинг бошланғич нархидан ошмаслиги керак.

1.5. Ушбу харид ҳужжатларида фойдаланиладиган асосий тушунчалар:

аванс тўлови – қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, операторнинг воситачилик йиғимини ва томонларнинг закатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;

таклифни таъминлаш - буюртмачининг талабига биноан иштирокчи томонидан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, кафолат, закат тарзида ёхуд қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши;

электрон давлат харидлари тизимининг оператори (кейинги ўринларда – оператор) – Давлат харидлари электрон тизимининг оператори давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган махсус ваколатли юридик шахсдир.

шахсий кабинет – электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб- таомили иштирокчисининг махсус ахборот порталдаги индивидуал саҳифаси;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда – ҲККП) – аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларни электрон харидларга киришини таъминловчи махсус ахборот порталининг таркибий бўлинмаси;

давлат харидларининг электрон тизими (кейинги ўринларда – электрон тизим) – электрон давлат харидлари жараёнида давлат харидлари субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборот ва техник воситаларнинг дастурий мажмуи;

электрон давлат хариди – давлат хариди субъектларининг ахборот- коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда давлат харидини амалга ошириш шакли. Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари иштироки таъминланган ҳолда ўтказилади. Учрашувлар видеоконференция форматида ўтказилиши ҳам мумкин (ёки телеконференциялар ва бошқалар). Харид комиссияси ахборот- коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга;

электрон чат (кейинги ўринларда - чат)- танлаш иштирокчиси давлат буюртмачисига танлаш учун сотиб олиш ҳужжатларидаги талабларни аниқлаштириш тўғрисида сўров юбориш ва дастлабки электрон баённома эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш ўтказиш натижалари бўйича давлат харидларининг электрон тизими орқали эътирозлар юбориш учун электрон тизимдаги очик электрон чат;

2. Электрон танлаш ташкилотчилари

2.1. “Ўзавтосаноат” Акциядорлик жамияти танлашнинг Буюртмачиси (кейинги ўринларда – Буюртмачи) ҳисобланади. Буюртмачининг манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Амир Темури шох кўчаси, 13-уй.

«Буюртмачи»нинг реквизитлари:

СТИР 201053918

ОКЭД: 84111

Р/С: 20210000300431475001

Банк: ТОШКЕНТ Ш., "ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ" АЖ БОШ АМАЛИЁТ ФИЛИАЛИ МФО: 00407

2.2. Харид комиссиясининг масъул котиби – Харидлар бошқармаси бошлиғи, Рустамов А.М. (кейинги ўринларда – Масъул котиб).

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А. Темури шох кўчаси, 13-уй.

Телефон: +99878 140-76-50 (2202#).

Электрон почта манзили: Asadulla.Rustamov@uzavtosanoat.uz.

2.3. Шартнома эгаси: “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти.

2.4. Танлаш Буюртмачи томонидан ташкил этилган, таркибида

камида беш кишидан иборат бўлган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

3. Танлаш иштирокчилари

3.1. Электрон танлаш иштирокчиси (кейинги ўринларда – иштирокчи) электрон танлашда иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган давлат харидини бажаришга даъвогар жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланади.

3.2. Иштирокчи ҳуқуқлари:

- давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;

- Буюртмачига давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича чат ёки юқорида кўрсатилган электрон почта манзили орқали сўровлар бериш ҳамда тушунтиришлар олиш;

- дастлабки электрон баённома эълон қилинганидан сўнг икки иш куни ичида давлат буюртмачисига танлаш ўтказиш натижалари бўйича чат ёки юқорида кўрсатилган электрон почта манзили орқали эътирозлар юбориш;

- давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;

- қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

3.3. Иштирокчи мажбуриятлари:

- давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

- Жамиятнинг комплаенс сиёсати билан танишиб чиқиш (<https://uzavtosanoat.uz/komplaens.html>) ва сиёсат талабларига риоя қилиш;

- харид ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва

ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;

- асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

- ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт. Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси танлаш бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

3.4. Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувида бўлган иштирокчи давлат харидлари иштирокчиси бўла олмайди.

3.5. Иштирокчи танлаш бўйича ғолиб деб расман эълон қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида давлат харидлари махсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 20 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари;

4. Электрон танлашга йўл қўйиш

4.1. Буюртмачи ва иштирокчилар ҲККПдаги шахсий ҳисоб варақларига аванс тўловларини киритганларидан сўнг электрон давлат харидларига қўйилади.

4.2. Буюртмачи ва иштирокчилар электрон танлашдаги иштирокчиларини электрон рақамли имзоларидан (кейинги ўринларда – ЭРИ) фойдаланган ҳолда амалга оширади. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Норезидент иштирокчилардан ЭРИдан фойдаланиш талаб қилинмайди.

4.3. Иштирокчиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги сўровномани электрон тарзда тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

Иштирокчиларни харидга киритиш, уларнинг қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади:

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИ мавжудлиги иштирокчини шартнома тузиш ҳуқуқини белгилайди.

Иштирокчи сўровномада унга нисбатан қўлланилган банкротлик тартиб- таомиллари мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни тасдиқлайди.

Иштирокчи томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг, портал томонидан Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотларини унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик ҳолати текширилади.

5. Танлашда иштирок этиш ва таклифни тақдим этиш тартиби

5.1. Электрон танлашда қатнашиш учун иштирокчи:

- махсус ахборот порталида рўйхатдан ўтади ва рўйхатдан ўтиш саҳифасида керакли бўлимларни тўлдиради (мижоз тури, шахсий маълумотлари, алоқа маълумотлари). Якка тартибдаги тадбиркор ва резидент тизимда фақат электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёрдамида рўйхатдан ўтишлари мумкин бўлади;

- ҲҚКПда рўйхатдан ўтиш жараёни тугагандан сўнг, иштирокчи учун шахсий ҳисоб очилади. Иштирокчилар электрон давлат харидларида ҲҚКПдаги шахсий ҳисоб варақларида олдиндан тўлов етарли миқдорда бўлган тақдирда иштирок этадилар;

- танлаш шартлари билан батафсил танишгандан сўнг, иштирокчи электрон танлашда иштирок этиш учун ариза беради ва “Умумий маълумот” саҳифасида “Товарлар ва буюмлар”, “Талаблар” бўлимларида керакли маълумотларни тўлдиради;

- агар “Талаблар” бўлимига маълумот киритиш вақтида етказиб берувчидан ҳар қандай талабни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш сўралган бўлса, ушбу ҳужжат файл сифатида юкланиши керак.

5.2. Электрон танлаш ўтказишда иштирокчилар томонидан

бошланғич нархнинг 1 % миқдорида киритилган закат электрон танлаш ғолиби билан шартнома тузилгунига қадар хатланади.

5.3. Иштирокчи томонидан таклифни таъминлаш суммасини тўлаш талаб қилинмайди ва бир иш куни ичида таъминлаш тўғрисида ҳужжат қайтарилади ёки қуйидаги ҳолатлардан бири содир бўлганидан кейин қайтарилиши таъминланади:

- таклифнинг кафолат муддати тугаши;
 - давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилишини таъминлаш;
 - электрон танлашни бекор қилиш;
- таклифларни юбориш муддати тугагунга қадар таклифни қайтариб олиш.

5.4. Оператор электрон танлаш натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закатни банддан ечади ва уни **ижрочининг** тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради. Портал, электрон давлат харидларининг яқунларига кўра, битимнинг ҳақиқий суммасидан операторнинг воситачилик йиғимини буюртмачи ва бажарувчининг аванс тўловларидан ушлаб қолади. Иштирокчиларнинг банди бекор қилинган пул маблағлари, уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки хизмат кўрсатадиган банклардаги уларнинг ҳисоб рақамларига қайтарилади.

6. Танлаш таклифларни баҳолаш тартиби

6.1. Электрон танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради. Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг

тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

6.2. Танлаш таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- танлаш таклифини танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;
- иштирокчининг малака талабларга мувофиқлигини баҳолаш;
- танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш;
- танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш.

Бунда электрон тизим танлаш таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни танлаш таклифининг олдинги қисми баҳоланиши яқунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошқор қилинишини таъминлайди.

6.3. Дастлабки малакавий танлаш ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати ушбу йўриқномага 1-иловада келтирилган.

6.4. Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ёлибини аниқлаш танлаш ўтказиш бўйича харид қилиш ҳужжатларида (2-илова) белгиланган кетма-кетлик, тартиб ва мезонлар асосида амалга оширилади.

6.5. Иштирокчи харид қилиш тартиб- таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

- у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;
- унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
- ўзига нисбатан банкротлик тартиб- таомиллари жорий этилган

бўлса;

- иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

- иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса;

- иштирокчи коррупция йўл қўймаслик тўғрисида ариза тақдим этмаган бўлса;

- иштирокчи шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлмаса;

- иштирокчилар томонидан белгиланган муддатда талаб қилинадиган ҳужжатлар тўплами тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилган ҳужжатлар тўплами харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса;

- танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончсизлиги аниқланган бўлса.

Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарор ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги ҳисоботга киритилади ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.

6.6. Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан

тасдиқланиши лозим. Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

6.7. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

6.8. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан 10 (ўн) иш кунидан ошиши мумкин эмас.

7. Электрон танлашда иштирок этиш учун таклиф юбориш

7.1. Танлашда иштирок этиш учун танлаш таклифи давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрланади.

7.2. Электрон танлаш ўтказилганда иштирокчилар танлаш таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танлашни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

7.3. Танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин. Бунда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари электрон тизимда шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

7.4. Танлаш таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлаш иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

7.5. Электрон танлаш иштирокчиси:

- фақат битта таклиф беришга ҳақли;

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар;

- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли. 7.6. Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда электрон тизим танлаш таклифларини қабул қилишни тўхтатади.

7.7. Техник таклиф қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак:

- таклиф этилаётган хизматларнинг техник таклифи (4-шакл);

- техник ҳужжатлар (брошюралар ва бошқалар ёки таклиф хизматнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).

7.8. Иштирокчининг нарх таклифи электрон тизимнинг тегишли бўлимига киритилади. Нарх таклифини техник таклиф ёки танлаш бўйича бошқа ҳужжатлар билан киритиш тақиқланади. **Нарх таклифини электрон тизимнинг тегишли бўлмаган бўлимига киритган иштирокчи танлашдан четлаштирилади.**

8. Танлаш таклифларини топшириш муддатини узайтириш.

8.1. Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан барча иштирокчиларга тегишли бўлган танлаш таклифларини бериш муддати узайтирилиши ёки танлаш иштирокчиларига таклифлар амал қилиш муддатини харид комиссияси қарори билан маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

8.2. Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Хизматларнинг (ишларнинг) номини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда мазкур танлашда таклифлар киритиш муддати харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан бошлаб камида 10 (ўн) иш кунига узайтирилиши керак. Шу билан бирга, агар эълонда кўрсатилган маълумотлар ўзгартирилган бўлса,

танлаш ўтказиш эълониغا ўзгартиришлар киритилади.

9. Электрон танлаш натижаларини баҳолаш

9.1. Харид комиссияси томонидан техник қисмни баҳолаш, шунингдек қабул қилинган таклифларнинг нарх қисмини автоматик баҳолаш натижаларига кўра электрон тизим автоматик равишда ғолиб ва захира ижрочисини аниқлайди.

9.2. Электрон танлашда қуйидаги ҳолатларда танлаш ўтказилмаган деб топилади:

- битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда;

- техник баҳолаш босқичида харид комиссияси барча таклифларни рад этса ёки фақат битта таклиф танлашда харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб берса.

Бундай ҳолатда буюртмачи электрон танлашни айна ўша шартларда ҳамда хизматларга (ишларга) доир айна ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.

9.3. Танлаш таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йиғилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллайди. Харид комиссияси аъзолари йиғилишининг электрон баённомаларини электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади. Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади. Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

10. Бошқа шартлар

10.1. Электрон танлаш иштирокчиси танлаш ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан буюртмачига очиқ электрон чат орқали танлаш таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин сўров юборишга ҳақли. Агар шундай сўров буюртмачига таклифлар қабул қилиш муддати тугашидан икки иш куни олдин келиб тушса, буюртмачи сўров келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида очиқ электрон чат орқали танлаш ҳужжатларидаги талабларни тушунтиришини юбориши шарт. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмалиги керак.

10.2. Буюртмачи исталган вақтда танлаш ёлиби қабул қилинишидан олдин танлашни бекор қилишга ҳақли. Танлаш бекор қилинган тақдирда буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини махсус ахборот порталида эълон қилади.

11. Шартнома тузиш

11.1. Электрон танлаш натижалари бўйича шартнома танлаш ҳужжатларида кўрсатилган шартларга ва танлаш ёлиби таклифларига мувофиқ, ёлиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунлик муддатдан кечиктирмасдан тузилади.

11.2. Ёлиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар захирадаги ёлиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ёлибга ўтади. Бунда захирадаги ёлиб ёлиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ёлиб таклиф этган нарх ёлиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар захирадаги ёлиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ёлиб шартнома тузишдан бош тортса, буюртмачи янги танлаш ўтказди.

1-илова

Танлаш таклифларини баҳолаш кетма-кетлиги:

Танлаш таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- танлаш таклифининг харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган

талабларга мувофиқ бажарилишини текшириш (1-рўйхат);

- иштирокчининг малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш (2-жадвал);

- танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш (3-жадвал);

- танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш (4-жадвал).

**Электрон танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар
томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1-рўйхат

1. Танлаш Иштирокчиси ҳақида умумий маълумот (тўлдирилган комплекс текширув анкетаси билан): 1-шаклга мувофиқ расмийлаштирилади;

2. Кафолат хати: 2-шаклга мувофиқ расмийлаштирилади;

3. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри: агар инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида иштирокчи қайд этилган бўлса, иштирокчи кейинги босқичга қўйилмайди;

4. Солиқлар ва йиғимлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслиги тўғрисида маълумот: ваколатли органдан маълумотнома тақдим этилади, агар муддати ўтган қарз мавжуд бўлса, иштирокчи танлашда иштирок этишдан четлатилади;

5. Манфаатлар тўқнашуви: манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари бўлган иштирокчилар кейинги босқичга қўйилмайди;

6. Коррупцияга йўл қўйилмаслик бўйича ариза: 3-шаклга мувофиқ расмийлаштирилади;

7. Оффшор зоналар: Иштирокчини ва/ёки иштирокчи банки оффшор зоналарда рўйхатдан ўтган бўлса кейинги босқичга ўтишга рухсат этилмайди.

1-шакл

КОМПЛЕКС ТЕКШИРУВ АНКЕТАСИ

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда –

“Компания”) коррупцияга қарши кураш, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш ва иқтисодий санкциялар тўғрисидаги қонунларга жуда жиддий ёндашади ва бирон-бир шартномани тузишдан олдин потенциал бизнес ҳамкорларидан Компаниянинг Бизнес ҳамкорларининг одоб-ахлоқ Кодексига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида муайян маълумотларни тақдим этишни талаб қилади.

Марҳамат қилиб, ушбу анкетани иложи борича тўлиқ ва аниқ тўлдириш. Агар савол сизга тааллуқли бўлмаса ёки сиз жавобни билмасангиз ёки жавоб бера олмасангиз, илтимос, буни жавобингизда албатта қисқа изоҳланг. Тўлиқ бўлмаган ёки ноаниқ жавоблар кейинги процедураларни талаб қилиши мумкин бўлиб, бу шартномани тузиш жараёнини кечиктиради. Зарурат бўлганда Компания қўшимча маълумотни сўраши мумкин. Агар сиз билан тузилган шартнома муддати давомида жавобларингиздан бири ўзгарса, бу ҳақда дарҳол Компанияни хабардор қилишингиз лозим.

Ушбу анкета Сиз/Сизнинг ташкилотингиз Компания билан бизнес муносабатларини ўрнатиш учун кўриб чиқиладиганлиги сабабли тақдим этилади. Ушбу сўровномани Компанияга тақдим этиш фақат кўриб чиқиш жараёнидаги бир илк қадамдир ва ушбу мазкур тақдимот Компания ва Сиз/Сизнинг ташкилотингиз ўртасида бизнес муносабатлари мавжудлигини тасдиқламайди.

Сизнинг томонингиздан ушбу анкетада тақдим этилган маълумотлардан Компания томонидан Ўзбекистон Республикаси, АҚШ ва бошқа юрисдикцияларнинг коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларига риоя қилиш учун фойдаланилади. Саволлар фақат Компания томонидан юқоридаги қонунларга риоя қилинишига тегишли маълумотларни олиш учун тузилган. Компания Сиз/Сизнинг ташкилотингиз тўғрисида қўшимча маълумотларни сизнинг жавобларингизда кўрсатилган тавсия берувчилар ва бошқа томонлардан олади ва ушбу маълумотлардан юқорида баён этилган мақсадларда фойдаланади.

Ушбу сўровнома орқали тавсия берувчиларингиз ва бошқа томонлар тарафидан олинган маълумотлар бирон-бир бошқа мақсадларда фойдаланилмайди, узатилмайди ёки қайта ишланмайди. Ушбу сўровнома орқали олинган маълумотлар Компаниянинг ходимларига ёки жалб этилган юридик фирмаларига маълумотни

қайта ишлаш учун юборилиши мумкин. Компания ушбу маълумотларни Компания сиёсати ва процедураларига мувофик юқорида баён этилган мақсадлар билан боғлиқ бўлган вақтгача сақлаб қолади.

Сиз ўзингизга тегишли маълумотларга олиш ҳуқуқига ёки, агар у нотўғри бўлса, Компаниядаги сизга тегишли маълумотларни ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳуқуқига эга бўлишингиз мумкин. Анкетани тўлдириш ихтиёрий, аммо анкетани тўлдирмаслик Компаниянинг Сиз билан иш олиб бориш қарорига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Агар сизда юқоридагилар бўйича бирон-бир саволингиз ёки хавотирларингиз бўлса, илтимос, Компаниянинг Боғланиш учун шахс билан боғланинг.

Марҳамат, қуйидагиларни тўлдириг:

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР		
1	Ташкилотингизнинг номи	
2	Ташкилотингизнинг солиқ тўловчининг индивидуал рақами (СТИР)	
3	Ташкилотингизнинг олдинги номлари (агар бўлса)	
4	Юридик манзил	
5	Давлат рўйхатига олинган / рўйхатдан ўтган сана	
6	Банк реквизитлари (ҳисоб рақами, банк, манзил, банк коди ва бошқа керакли маълумотлар)	

7	Бизнеснинг асосий йўналишлари (низом/ патентга кўра ва ҳақиқатда)	
8	Сиз бизнеснинг ушбу соҳаларида неча йилдан бери иш юритяпсиз?	
9	Ходимлар сони, агар мавжуд бўлса	
10	Ташкилотингиз банкротлик / тугатиш жараёнидами?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>

**ТАШКИЛОТИНГИЗ, МУАССИСЛАР, ИШЧИЛАР ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

11	Сизнинг ёки йирик акциядорингизнинг акциялари Буюк Британияда ёки АҚШда қимматли қоғозлар бозорида котировка қилинадими?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “ҳа” бўлса, илтимос, тафсилотлар (шу жумладан, агар мавжуд бўлса, кўп қисмининг эгаси ва тегишли биржаларнинг номлари)ни маълум қилинг:

Шарҳ:

12	Илтимос, ташкилотингизнинг асосий ходимларини, шу жумладан (а) бош директор/ президент/ бошқарувчи ҳамкор ва, агар мавжуд бўлса: (б) молиявий директор; (с) бош бухгалтер; (д) комплаенс бўлими раҳбари; ва (д) кузатув кенгаши аъзолари ёки уларга тенглаштирилган шахсларни кўрсатинг.
----	--

Лавозими	Ф.И.Ш.	ИНН	Тайинланган йили

13	Илтимос, компаниянинг муассислари, шу жумладан, якуний бенефициарлар ҳақида маълумот беринг.
----	--

Якуний бенефициар – бу тўғридан-тўғри ёки бошқа компаниялар иштирок этиш орқали компаниянинг ҳақиқий эгаси бўлган жисмоний шахс.

Яқин қариндошлар - ота-она, турмуш ўртоғи, ака-ука, опа-сингил, фарзандлар, ҳамда турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси.

Ташкилотингиз муассисларининг номи	СТИР	Фоизлардаги улуш (илтимос, улуши 10 фоиздан ошган йирик муассисларни кўрсатинг)

14	Директорларингиз, мансабдор шахсларингиз, аъзоларингиз, акциядорларингиз ёки якуний бенефициарларингиздан (ёки бундай шахсларнинг истаган яқин қариндошлари) бири Компания ходимлари ҳисобланадими?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Агар “ҳа” бўлса, илтимос, тафсилотларни маълум қилинг
----	---	---

Шарҳ:

15	Сиз ўзингиз акциялар, капитал, фойда ёки овоз бериш ҳуқуқининг 20 фоизидан кўпроғига эга бўлган компанияларингиз номларини ва СТИРни кўрсатинг
----	--

Ташкилот номи	СТИР	Фоишлардаги улуш (илтимос, улуши 20 фоишдан ошган кўрсатинг)	
ТИЖОРАТ МАЪЛУМОТЛАРИ			
16	Сизни тавсия этиши мумкин бўлган камида 3 (уч) нафар шахсинг боғланиш учун маълумотларини тақдим этинг		
1-тавсия берувчи	Ф.И.Ш.		
Ташкилот		Лавозими	
Телефон		Е-mail	
2-тавсия берувчи	Ф.И.Ш.		
Ташкилот		Лавозими	
Телефон		Е-mail	
3-тавсия берувчи	Ф.И.Ш.		
Ташкилот		Лавозими	
Телефон		Е-mail	
ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТИЛИШИ			

Амалдаги қонунчилик - порахўрлик ёки коррупцияга қарши кураш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, фирибгарликка қарши курашни тартибга солувчи ва Томонларга тааллуқли бўлган ҳар қандай қонунлар, қоидалар ёки Ўзбекистон Республикасининг ёки бошқа бирон-бир давлатнинг қонун ҳужжатлари, шу жумладан, АҚШ “Чет эл коррупцияси тўғрисида” ги қонуни (FCPA) ва Буюк Британиянинг “Порахўрлик тўғрисида” ги қонуни (UKBA) билан чекланмаган ҳолда.

17	<p>Сўнгги 3 йил давомида сиз ёки сизнинг мансабдор шахсларингиз, директорларингиз, бошқарув органлари аъзоларингиз, акциядорларингиз ёки якуний бенефециарларингиз (агар мавжуд бўлса):</p> <p>(1) Амалдаги қонунчилик ёки сизнинг бизнесингиз билан боғлиқ бошқа ҳар қандай даъволар, тергов ҳаракатлари ёки мажбурий ижро ҳаракатларининг предмети бўлганми; ёки</p>	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
	<p>(2) маълум бир фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганми?</p>	<p>Агар “ҳа” бўлса, илтимос, ҳаракатлар ва натижаларнинг тафсилотларини кўрсатиб, тегишли ҳужжатларни илова қилиб изоҳланг:</p>	

18	<p>Сиз, сизнинг қўлингиз остидаги мансабдор шахсларингиз, директорларингиз, ходимларингиз, бошқарув органлари аъзоларингиз, акциядорлар ёки якуний бенефециарларингиз (агар мавжуд бўлса) томонидан Амалдаги қонунчиликнинг ҳақиқатда ёки эҳтимолда бузилиши, ёки бизнес амалиётингиз билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар ҳақида хабарингиз борми?</p>	<p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “ҳа” бўлса, илтимос, ҳаракатлар ва натижаларнинг тафсилотларини кўрсатиб, тегишли ҳужжатларни илова қилиб изоҳланг:</p>
19	<p>Сиз рўйхатдан ўтган жойингиз юрисдикциясида ва сиз бизнес юритадиган бошқа барча мамлакатлардаги Амалдаги қонунчиллика риоя қиласизми?</p>	<p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Агар “йўқ” бўлса, илтимос, тушунтириб беринг</p>
<p><u>Шарх:</u></p>		

20	Мажбурий меҳнат (шу жумладан болалар меҳнати) товарларни ёки маҳсулотларни ишлаб чиқаришда (ишларни ёки хизматларни кўрсатишда) фойдаланилмаганлигига ва/ёки фойданилмаётганлигига кафолат берасизми?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “йўқ” бўлса, илтимос, тушунтириб беринг	
<u>Шарҳ:</u>			
21	Сизнинг ташкилотингизда:		
	Бизнес хулқ-атвори кодекси, ахлоқ қоидалари ёки шунга ўхшаш ҳужжат амал қиладими?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “ҳа” бўлса, илтимос илова қилинг.	
	Порахўрлик ва коррупцияга қарши кураш дастури (сиёсати)?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “ҳа” бўлса, илтимос илова қилинг.	

САНКЦИЯЛАР РЕЖИМИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ

Ушбу бўлимнинг мақсадлари учун:

Санкциялар – Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи ёки Европа Иттифоқининг аъзо давлати, Буюк Британия ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳар қандай иқтисодий, молиявий ёки савдо санкциялари ёки эмбаргоси, экспорт назорати ёки бошқа чеклов чораларини қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай қонун, қарор, фармон, суд қарори ёки бошқа қонуний мажбуриятларни англатади.

Санкцияланган шахс – ҳар қандай Санкциялар билан муносабатлари чекланган ёки тақиқланган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс (“Шахс”), шу жумладан (а) ушбу Шахсларнинг ҳар қандай рўйхатида Санкциялар объекти сифатида кўрсатилган ҳар қандай Шахс; (б) жойлашган, уюшган ёки резидент Шахс; ёки эгалик қиладиган ёки бошқариладиган Шахс; ёки ваколатли мамлакат ҳукумати (Қрим, Куба, Эрон, Сурия, Судан ва Шимолий Корея) номидан ҳаракат қиладиган Шахс; ёки (с) ҳар қандай Санкцияларга мувофиқ бошқа тарзда чекланган ёки тақиқланган ҳар қандай муносабатлар, шу жумладан ҳар қандай эгалик, назорат ёки воситачилик муносабатлари ёки (а) ва (б) да кўрсатилган ҳар қандай Шахс билан ҳар қандай тўғридан-тўғри ёки билвосита тижорат алоқалари.

22	Сизнинг мансабдор шахсларингиз, директорларингиз, бошқарув органлари аъзоларингиз, ходимларингиз, акциядорларингиз ёки якуний бенефициарларингиз (агар мавжуд бўлса) Санкциялар субъектлари ҳисобланадими?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “ҳа” бўлса, илтимос, тафсилотларни маълум қилинг	
Шарҳ:			

23	Сўнги 3 йил давомида сиз ёки сизнинг мансабдор шахсларингиз, директорларингиз, бошқарув органлари аъзоларингиз, акциядорларингиз ёки якуний бенефициарларингиз (агар мавжуд бўлса) Санкциялар билан боғлиқ бошқа ҳар қандай даъволар, тергов ҳаракатлари ёки мажбурий ижро ҳаракатларининг предмети бўлганми?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “ҳа” бўлса, илтимос, тафсилотларни маълум қилинг	

Шарҳ:

24	Сиз, Сизнинг мансабдор шахсларингиз, директорларингиз, ходимларингиз, бошқарув органлари аъзоларингиз, акциядорларингиз ёки якуний бенефициарларингиз (агар мавжуд бўлса) томонидан Санкцияларнинг бирон бир ҳақиқий ёки мумкин бўлган бузилиши ҳақида биласизми?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “ҳа” бўлса, илтимос, тафсилотларни маълум қилинг	

Шарҳ:

25	Сизнинг ташкилотингиз тўғридан-тўғри ёки билвосита Санкцияланган шахслар билан иш юритадими?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “ҳа” бўлса, илтимос, тафсилотларни маълум қилинг	
<u>Шарҳ:</u>			
26	Сизнинг ташкилотингиз санкцияланган мамлакатларда (Қрим, Куба, Эрон, Сурия, Судан ва Шимолий Корея) тўғридан- тўғри ёки билвосита бизнес, инвестициялар, активларга эгами?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “ҳа” бўлса, илтимос, тафсилотларни маълум қилинг	
<u>Шарҳ:</u>			
27	Сизнинг ташкилотингизда импорт ёки экспорт назорати, халқаро эмбарго ёки иқтисодий санкциялар билан боғлиқ ҳужжатлар амал қиладими?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “ҳа” бўлса, илтимос илова қилинг.	
28	Сиз Компанияга тақдим этадиган бирон- бир товарлар ёки хизматлар Қрим, Куба, Эрон, Сурия ва Шимолий Кореяда ишлаб чиқариладими (келиб чиқиши) ёки ушбу мамлакатлар орқали етказиб бериладими?	Ҳа <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “ҳа” бўлса, илтимос, тафсилотларни маълум қилинг	
<u>Шарҳ:</u>			

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАР

Ушбу бўлимнинг мақсадлари учун:

Давлат хизматчиси – бу:

- давлат идорасининг, шу жумладан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият органлари, департамент, муассасалар, идоралар, давлат ёки давлат бошқаруви остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат улуши бўлган корхоналар номидан иш юритадиган ҳар қандай мансабдор шахс ёки хизматчи;
- халқаро ташкилот (масалан, Жаҳон банки ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти)нинг номидан ваколат берилган ҳар қандай мансабдор шахси;
- сиёсий партия аъзоси ёки сиёсий лавозимга номзод;
- ҳар қандай сиёсий таъсир кўрсатадиган шахс;
- юқорида қайд этилган шахслардан бирининг яқин қариндошлари.

Сиёсий таъсир кўрсатадиган шахс – амалдаги ёки собиқ юқори лавозимли амалдор, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти ёки ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбари; ҳукумат раҳбари, вазир (вазир ўринбосари); парламент депутати ёки шунга ўхшаш қонун чиқарувчи орган аъзоси; сиёсий партиянинг бошқарув органи (кенгаши) аъзоси; Конституциявий суд, Олий суд судьяси ёки бошқа даражадаги суд органининг судьяси (суд органи аъзоси); олий тафтиш (аудиторлик) ташкилоти кенгаши ёки бошқарув аъзоси; Марказий банк кенгаши ёки бошқаруви аъзоси; элчи (консул); инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ёки бизнес омбудсман; катта лавозимдаги ҳарбий офицер; давлат улуши бўлган компания кенгаши ёки бошқаруви аъзоси; халқаро ташкилот раҳбари ҳисобланади.

29	Юқоридаги “ТАШКИЛОТИНГИЗ, МУАССИСЛАР, ИШЧИЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ” бўлимида белгиланган шахслар (ва уларнинг ҳар қандай яқин қариндошлари) қуйидагилар бўлганми:
Амалдаги ёки собиқ Давлат хизматчиси? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>	

<p>Сизда бирон-бир Давлат хизматчисининг қарор қабул қилишига таъсир қилиш (расмий ёки норасмий, тўғридан-тўғри ёки билвосита) имконияти борми?</p>	<p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p>
<p>Агар юқоридаги саволларнинг бирортасига жавоб “ҳа” бўлса, марҳамат, тафсилотларни, шу жумладан тегишли шахснинг фамилиясини, исмини ва шаърифини ҳамда давлат идораси ёки ташкилотининг тўлиқ номини тақдим этинг:</p>	
<p><u>Шарҳ:</u></p>	
<p>30</p>	<p>Сиз ёки сизнинг номингиздан ёки бирон-бир контрагент орқали тўғридан-тўғри ёки билвосита Давлат хизматчисига қуйидаги мақсадлар учун тўловлар амалга оширилганми ёки бирон-бир қимматбаҳо буюмлар ўтказилганми (қиймати қандай бўлишидан қатъи назар) ҳамда бунга сиз томондан рухсат берилган, ваъда қилинган ёки таклиф қилинганми:</p>
<p>Бизнесга эга бўлиш ёки сақлаб қолиш?</p>	<p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p>
<p>Бундай Давлат хизматчиси томонидан ҳукуматнинг одатий ишларини тезлаштириш ёки бажарилишини таъминлаш (масалан, рухсатнома ёки лицензия олиш учун ҳар қандай мурожаатни тезлаштиришга кўмаклашиш)?</p>	<p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p>
<p>Рухсатномалар ёки лицензияларни олиш, ёки экология, солиқ ва/ ёки божхона масалалари билан боғлиқ ҳар қандай қулай ҳаракатларга эришиш?</p>	<p>Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p>
<p>Агар юқоридаги саволлардан истаган бирига жавоб “ҳа” бўлса, илтимос, тафсилотларни баён этинг.</p>	
<p><u>Шарҳ:</u></p>	

31	Потенциал бизнес ҳамкор сифатида сиз (шу жумладан, ҳар қандай директорлар, мансабдор шахслар, ходимлар ёки филиаллар орқали) Компания номидан ҳар қандай Давлат хизматчилари билан ўзаро алоқада бўлишингиз мумкинми?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
		Агар “ҳа” бўлса, илтимос, алоқа хусусиятларини тавсифлаб беринг.

Шарҳ:

СУБПУДРАТЧИЛАР ЁКИ СУБУБАГЕНТЛАРДАН Фойдаланиш

32	Сиз Компания учун бажариладиган ишлар бўйича бирон-бир субпудратчи ёки субагентдан фойдаланмоқчимисиз?	Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
----	--	--

Агар “ҳа” бўлса, марҳамат, субпудратчи (лар) ёки субагент (лар) томонидан шунга ўхшаш тарзда тўлдирилган комплекс текширув анкетасини тақдим этинг.

ИЛОВА

Илтимос, уставингиз, таъсис шартномангиз (агар мавжуд бўлса) тақдим (илова) этинг.	Илова қилинади <input type="checkbox"/>
Илтимос, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани тақдим (илова) этинг.	Илова қилинади <input type="checkbox"/>
Илтимос, бош директорингиз/ президентингиз/ бошқарувчи ҳамкорингиз ёки сизнинг номингиздан Компания билан шартномани имзолайдиган истаган бошқа шахсинг ҳақиқий паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат нусхаси тақдим (илова) этинг.	Илова қилинади <input type="checkbox"/>

Ушбу орқали мен мазкур Анкетада келтирилган ёки унга бириктирилган барча маълумотлар ва / ёки ҳужжатлар тўғри, тўлиқ ва аниқ эканлигини тасдиқлайман.

Ф.И.Ш.	
Ташкилот	
Лавозим	
Сана	

_____	_____
Имзо	Мухр (агар мавжуд бўлса)

Компания фойдаланиши учун:

Рўйхат ўтган рақами:	№DDQ-20___ - _____
Қабул қилиш санаси:	___/___/_____

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу билан биз _____ (компания номи)
компанияси

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- (бюртмачи номи) билан аввал тузилган шартномалар бўйича нотўғри бажарилган мажбуриятларга эга эмаслигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбар Ф.И.Ш. _____

Бош бухгалтер (молия бўлими боўлиғи) Ф.И.Ш. _____

Юрист Ф.И.Ш. _____

Муҳр ўрни

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси

**Коррупцияга йўл қўймаслик бўйича
АРИЗА**

Ушбу хат билан _____ компанияси
(компаниянинг номи)

- Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини;

- ҳар қандай ҳаракат, қарор қабул қилиш ёки давлат харидлари жараёнида ҳар қандай БУЮРТМАЧИ харидлари тартибини қўллаш комиссияси таъсир қилиш учун БУЮРТМАЧИНинг ҳар қандай жорий ёки собиқ мансабдор шахси ёки ходими ёки бошқа давлат органига ҳар қандай шаклда, бир иш ёки ҳар қандай бошқа қимматли нарса ёки хизмат бевосита ёки билвосита таклиф этиш ёки қимматбаҳо нарса бериш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини;

- рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик мажбуриятини олганлигини, шу жумладан мансублик ҳолатлари аниқланганда;

- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини, муассислар ва/ёки ИЖРОЧИ ичида ижрочининг танлашига кўра қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган яқин қариндошларга ёки ходимларга эга эмаслигини;

- нархлар ёки танлаш натижаларини бузиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан келишувга эга эмаслигини;

- фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини;

- сохта ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этмаслик, ушбу лотда иштирок этган аффилиланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлайди.

Имзолар:

Раҳбар Ф.И.Ш. _____
Бош бухгалтер (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. _____
Юрист Ф.И.Ш. _____
Мухр ўрни

4-шакл

ТАШКИЛОТ БЛАНКИ
_____ (лот рақами ва танлаш предмети кўрсатилади) Танлаш учун
ТЕХНИК ТАКЛИФ

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

_____ хизмат кўрсатиш учун №_____ -сонли танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини ва №_____ -рақамли (*ёзма мурожаатлар ва уларга жавоблар мавжуд бўлган тақдирда сўровларнинг рақами кўрсатилади*) ўрганиб чиқиб, биз, қуйида имзо чекувчилар, _____ (*хизмат кўрсатувчи кўрсатилади*), _____ (*таклиф қилинадиган хизмат*) кўрсатишни таклиф этамиз.

Биз танлаш ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича ушбу техник таклифга тўла мос равишда хизмат кўрсатиш мажбуриятини оламиз.

Биз танлаш таклифларини қабул қилиш тугаган кундан бошлаб 90 кун давомида ушбу таклиф қоидаларига риоя қилишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

-техник ҳужжатлар (брошюралар ва ҳ.к. ёки таклиф этилаётган хизматнинг (ишнинг) тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар.

_____ (ваколатли шахсинг)

имзоси)

(Хизмат кўрсатувчининг раҳбари ва ваколатли шахсининг Ф.И.Ш. ва мансаби)

Мухр ўрни

Сана: «__» _____ 20__ й.

5-шакл

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

**ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ,
ТўЛОВ ШАРТЛАРИ ТўҒРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

(танлаш моҳияти кўрсатилади)

Сана: *(таклифларни бериш санаси ёзилади)*. КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, куйида имзо қўйувчилар, харид қилиш ҳужжатларини умумий ўрганиб ва буюртмачининг барча талабларини ўз ичига олган танлаш мавзуси билан танишиб чиқдик.

Барча талабларни таҳлил қилгандан сўнг, танлаш шартларига мувофиқ хизматлар кўрсатишни таклиф қиламиз *(хизматлар, ишлар)* номи кўрсатилади:

Тўлов шартлари _____;

Тўлов муддатлари _____;

Хизматлар кўрсатиш шартлари
_____;

Хизматлар кўрсатиш муддатлари
_____;

Кафолат шартлари _____.

Сана: «__» _____ 2022 й.

Раҳбар ёки ваколатли шахсининг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

2- илова

Иштирокчилар ва танлаш таклифларини малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари

I. Малакавий баҳолаш мезонлари

2-жадвал

№	Критерий	Шкала балльной оценки
1	DDQ анкетани тақдим этиш (1-шакл)	0 или 1
2	Коррупцияга йўл қўйилмаслик бўйича аризани тақдим этиш	0 или 1
3	Қуйидагиларни тасдиқловчи кафолат хати:	
	аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлиги	0 или 1
	қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслиги	0 или 1
	буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслиги	0 или 1
	имтиёзли солиқ берадиган ва/ёки молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўтказилганда маълумотларнинг ошкор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кўзда тутилмаган давлатлар ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтмаганлиги, таъсисчиларга эга эмаслиги, банк ҳисоб рақамларига эга эмаслиги	0 или 1
4	Информация об условиях и сроках оказания услуг, условиях оплаты	0 или 1

0 - иштирокчи маълумот бермади ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни тақдим этди / малакавий танлашдан ўтмади;

1 - иштирокчи тўлиқ маълумот тақдим этди/ малакавий танлашдан ўтди;

Малакавий танлашдан ўтмаган иштирокчилар дисквалификация қилинади.

II. Таклифларни техник баҳолаш

3-жадвал

№	Мезонлар	Баҳолаш шкаласи
1	Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек тадбиркорлик субъектларини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун амалдаги лицензиянинг мавжудлиги	25
2	Аудиторлик фаолияти давомида камида 3 млрд. сум миқдордаги касбий жавобгарликни суғурталаш полисининг мавжудлиги	25
3	Пудратчининг жамоасида бухгалтерлик (аудиторлик) малака сертификаитига эга мутахассисларнинг мавжудлиги	25
4	Лойиха учун ажратилган асосий мутахассисларнинг компетенция даражаси, тегишли резюме ва сертификатлар билан тасдиқланади	25

Малакавий ва техник баҳолаш натижалари:

Максимал балл (малака танлаш ва техник баҳолашнинг максимал баллари йиғиндиси)	Минимал ўтиш балл
100	70

III. Нархни баҳолаш мезонлари

4-жадвал

Мезон	Баҳолаш	Эслатма
-------	---------	---------

Нархи/қиймати	Энг арзон нарх	Малакавий ва техник танлашдан ўтган энг паст нарх белгилаган Иштирокчи нарх қисми бўйича энг юқори балл олади
<p>Агар танлашда чет эллик етказиб берувчилар (ижрочилар) билан бир қаторда камида учта маҳаллий етказиб берувчилар (ижрочилар) иштирок этса, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига кўра ушбу маҳаллий етказиб берувчиларга (ижрочиларга) таклифларни баҳолашда фойдаланиладиган имтиёзлар ва преференциялар (15 % миқдорда) берилиши мумкин.</p>		

Утверждение

**Первый заместитель
председателя правления**



2022-10-22 11:35

А. В. Рафиқов

Согласование

**Инспектор по делопроизводству
02**



2022-10-21 11:16

А. Ш. Анваржонов

Директор департамента



2022-10-21 08:45

Ш. Н. Зуннунов

Начальник управления



2022-10-20 19:41

М. Ф. Рахимов

**Начальник управления -
Главный бухгалтер**



2022-10-20 14:25

О. Х. Атабаев

Начальник управления



2022-10-19 16:50

М. А. Зоҳидов

Начальник управления



2022-10-20 14:39

Б. М. Мирзаев

Начальник службы внутреннего аудита



2022-10-20 09:18

Р. А. Кадыров

Согласование внутри подразделение

Начальник управления



2022-10-19 15:30

А. М. Рустамов

Ответственный

Главный специалист



2022-10-12 14:58

И. А. Исроилов